



ЧИМКЕНТ (козокча Шимкент) — Козогистон Республикаси Жанубий Козогистон вилоятидагн шаҳар, вилоят маркази (1932—62 й. ларда Жан.

Козогистон вилояти, 1962—64 й. ларда Жан. Козогистон ўлкаси, 1964—92 й. ларда Чимкент вилояти маркази). Тог олди текисликларида, Бодом ва Сайрам (Сирдарё хавзаси) дарёлари оралигида. Жамбул, Арис, Лангар т. й. йўналишларининг чоррахаси. Аҳолиси 354,4 минг киши (2002). Чимкент 11-а. да Хитойдан Ўрта Осиё ва Ғарбий Осиёга ўтган савдо йўли («Ипак йўли») устида вужудга келган. 19-а. бошидан Кўкон хонлиги тасарруфида бўлган, 1864 й. Россия босиб олган ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги маъмурий ва харбий таянч пунктига айлантирилган. Шаҳарнинг сушт ривожланишига т. й. дан узоклиги ҳам таъсир этган. Факат 1915 й. Арис — Ч. линияси ш. ни Оренбург — Тошкент магистрали билан боғлади. 1924 й. гача Чимкент Туркистон Республикаси таркибида. Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин Сирдарё губернясининг маъмурий маркази, сўнг округ маркази бўлиб Козогистон Мухтор ССР таркибига кирди. Шаҳар саноати маҳаллий к. х. хом ашёлари ва фойдали казилмаларни кайта ишлаш негизида ривожланмокда. Йирик корхоналари Коратов ва Жунгария Олатовидаги конлар асосида ишлайдиган кўргошин зди, темирчиликпресс ускуналари ишлаб чиқарадиган, «Фосфор» (минерал ўғитлар ва б. ишлаб чиқарилади), «Чимкентшина» и. ч. бирлашмалари, «Электроаппарат», нефтни кайта ишлаш, кимёфармацевтика, цемент, гишт здлари ва б. ишлаб турибди. Енгил (пахта тозалаш, коракўл здлари), озик-овкат (гўшт кти, ёғ экстракция, сутконсерва, меваконсерва, пиво здлари) саноати корхоналари фаолият кўрсатади. 3 олий ўқув юрти, 3 театр, ўлкашунослик музейи бор.